

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 25 июль, № 151 (8494) Сешанба Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР БИЛАН ЎЗАРО МАНФААТЛИ АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 июль куни қатор хорижий мамлакатларнинг давлат раҳбарлари ва нуфузли сиёсатчилари билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Хорижий ҳамкорлар давлатимиз раҳбарини таваллуд куни билан самимий муборакбод этиб, Президентимизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ҳамда Янги Ўзбекистонни барпо этиш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш ва юртимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашга қаратилган ортга қайтмас ислоҳотлар дастурини амалга оширишда катта муваффақиятлар тиладилар.

**Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин** билан телефон орқали мулоқотда ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни янада кенгайтириш, товар айирбошлаш суръатини таъминлаш ва саноат кооперацияси бўйича муҳим лойиҳаларни илгари суриш масалалари муҳокама қилинди.

Ҳудудлараро даражадаги мулоқот ва алмашинувларни самарали давом эттириш муҳимлиги ҳам қайд этилди.

Минтақавий кун тартибидаги долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған** билан икки мамлакат ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Президентлар олий даражадаги келишувлар ижросининг боришини кўриб чиқдилар. Стратегик ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги йиғилишига пухта тайёргарлик кўриш муҳимлигига эътибор қаратдилар.

Иқтисодиётнинг турли тармоқларида икки мамлакат етакчи компания ва корхоналарининг саноат кооперацияси бўйича истиқболли лойиҳаларнинг янги портфелини биргаликда ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди.

Минтақавий кун тартибидаги долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

**Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев** билан телефон орқали мулоқотда етакчилар яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш масалаларини атрофлича кўриб чиқдилар.

Ҳукуматлараро комиссиянинг Тошкент шаҳрида ва қўшма Ишчи гуруҳнинг Остона шаҳрида ўтган навбатдаги йиғилишларининг самарали натижалари мамнуният билан қайд этилди.

Товар айирбошлаш ҳажмини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларни давом эттириш, саноат тармоқлари ва инфратузилма соҳасида кооперация лойиҳаларини илгари суриш, шунингдек, қўшма маданий тадбирларни мунтазам ўтказиш орқали фаол гуманитар алмашинувни ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Минтақавий ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди, бўлажак олий даражадаги мулоқотлар режаси кўриб чиқилди.

**Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров** билан суҳбатда Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги яхши қўшничилик ва кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари қайд этилди.

Саноат, автомобилсозлик, тўқимачилик ва электротехника тармоқларида, энергетика инфратузилмасини модернизация қилиш бўйича ҳамда ҳамкорликнинг бошқа соҳаларида қўшма кооперация лойиҳаларини амалга оширишда эришилаётган натижалар мамнуният билан таъкидланди.

Ҳукуматлараро комиссия фаолияти доирасида янги савдо ва инвестиция лойиҳалари тўпламини тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон етакчилари бўлажак олий даражадаги тадбирлар режасини ҳам кўриб чиқдилар.

**Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон** билан телефон орқали мулоқотда Ўзбекистон — Тожикистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Бўлажак олий даражадаги тадбирларга тайёргарлик кўриш ҳамда икки томонлама муносабатлар кун тартибини аниқ амалий мазмун билан бойитиш масалалари кўриб чиқилди.

Етакчилар ишбилармонлик ва гуманитар алоқаларни янада фаоллаштириш, жумладан, қўшма кўргазма ва ярмаркалар ўтказиш, ёшларни кенг жалб қилган ҳолда маданий ва спорт тадбирларини уюштириш муҳимлиги ҳақида якдил фикр билдирдилар.

Минтақавий шериклик, шу жумладан, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг мунтазам Маслаҳат учрашувлари ва Оролни қутқариш халқаро фонди доирасидаги ҳамкорликка оид масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**Туркман халқининг Миллий етакчиси, Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимуҳамедов** билан суҳбатда Ўзбекистон — Туркманистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа соҳаларда амалий ҳамкорлик изчил кенгайиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон ва Туркманистон етакчилари минтақавий кун тартибидаги масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар, бўлажак тадбирлар режасини кўриб чиқдилар.

**Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов** билан сўзлашув чоғида Ўзбекистон — Туркманистон амалий ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Суҳбатда ўзаро савдони кўпайтириш ва иқтисодиётнинг устувор тармоқларида, шу жумладан, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа муҳим йўналишларда кооперация лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

"Шовот — Тошовуз" чегараолди эркин савдо зонасини барпо этиш бўйича биргаликдаги ишларнинг илк натижалари катта мамнуният билан қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари **Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев** билан икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш, кооперация лойиҳаларини илгари суриш ва ўзаро савдони кўпайтириш масалаларини муҳокама қилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумат делегацияси ўтган ҳафта Озарбайжонга амалга оширган ташрифнинг самарали якунлари ҳамда қўшма Ҳукуматлараро комиссиянинг Шуша шаҳрида ўтказилган навбатдаги йиғилиши натижалари мамнуният билан қайд этилди.

Бўлажак олий даражадаги саммитга қадар қатъий келишув ва битимлар тўпламини шакллантириш муҳимлиги таъкидланди.

Фаол маданий-гуманитар алмашинувларни ҳамда халқаро тузилмалар доирасидаги яқин ҳамкорликни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

**Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти Шайх Мансур Ол Наҳаён** билан телефон орқали мулоқотда кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Суҳбат аввалида Шайх Мансур Ол Наҳаён давлатимиз раҳбарига Амирликлар Президенти Шайх Муҳаммад Ол Наҳаённинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон — БАА муносабатлари юксак даражага кўтарилгани мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ҳажми жадал суръатда ортиб бормоқда, қўшма корхоналар кўпаймоқда. Амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари портфели 4 миллиард доллардан ошди.

Бўлажак олий даражадаги тадбирларга пухта тайёргарлик кўриш, уларни, энг аввало, иқтисодиёт ва инвестиция соҳалари бўйича янги, амалий мазмун билан бойитиш муҳимлиги таъкидланди.

Шу маънода, аниқ таклифлар ва истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш учун яқин кунларда икки мамлакат ҳукумат делегацияларининг учрашувларини ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

**Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенко** давлатимиз раҳбарини туғилган куни билан дилдан қутлаб, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва янги муваффақиятлар тилади.

Суҳбатда Ўзбекистон — Россия дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларининг мустаҳкамланишига хизмат қилаётган парламентлараро мулоқотлар фаол кечаётгани мамнуният билан қайд этилди.

**Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти Нурсултон Назарбоев** Ўзбекистон Президентини таваллуд куни билан самимий муборакбод этиб, мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт ва катта муваффақиятлар тилади.

Суҳбатда Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларида бугун юксак даражага эришилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

*Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига унинг таваллуд куни муносабати билан хорижий давлатлар, ҳукуматлар ва парламентлар, халқаро ташкилотлар раҳбарларидан қутловлар келмоқда.*

*Хорижий ҳамкорлар мамлакатимиз етакчисини самимий қутлар экан, Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилакларини изҳор этмоқда.*

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Сизни таваллуд кунингиз билан чин дилдан қутлайман.

Сиз Ўзбекистон фуқаролари орасида юксак ҳурмат-эҳтиромга сазоворсиз, буни яқинда ўтган Президент сайлови якунлари ҳам тўлиқ тасдиқлади. Сизнинг раҳбарлигингизда мамлакатингиз иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш йўлидан дадил бормоқда, ўз манфаатларини халқаро майдонда самарали ҳимоя қилмоқда.

Сиз мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини, турли соҳаларда самарали икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшмоқдасиз.

Ўртамиздаги илиқ, дўстона муносабатларни юксак қадрлайман. Бундан буён ҳам икки томонлама, минтақавий ва халқаро кун тартибининг долзарб масалалари юзасидан биргаликда ишлаймиз.

Сизга, ҳурматли Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, давлатчилик фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Ҳурмат билан,

**Владимир ПУТИН,**
**Россия Федерацияси Президенти**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ҳурматли Президент жаноблари!

Таваллуд айёмингиз муносабати билан самимий табрикларим ва энг эзгу тилакларимни билдираман.

Жорий йилнинг май ойида Сиз рафиқангиз билан бирга "Хитой — Марказий Осиё" саммитида иштирок этиш учун Сиань шаҳрида бўлдингиз ва Хитойга давлат ташрифини муваффақиятли амалга оширдингиз.

Сиз билан сермаҳсул музокара ўтказиб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик бўйича бир қатор муҳим келишувларга эришдик, Хитой — Ўзбекистон кенг қамровли стратегик шериклигининг янги истиқболларини белгилаб олиб, бунга кенг йўл очдик.

Ўзбекистон — Хитой муносабатларини ривожлантиришга катта аҳамият қаратаман ва Сиз билан дўстлигимизни юксак қадрлайман. Сиз билан биргаликда астойдил ҳаракат қилиб, турли соҳалардаги ҳамкорликни илгари суришга ҳамда умумий келажак сари Хитой — Ўзбекистон ҳамжамиятини барпо этишга ўз ҳиссамни қўшишга тайёрман.

Янги Ўзбекистон Сизнинг раҳбарлигингиз остида янада катта муваффақиятларга эришишига ишонаман.

Сизга, Жаноби Олийлари, мустаҳкам соғлиқ ва улкан муваффақиятлар тилайман.

Ҳурмат билан,

**Си ЦЗИНЬПИН,**
**Хитой Халқ Республикаси Раиси**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент, азиз қардошим!

Таваллуд кунингиз билан чин қалбимдан муборакбод этиб, Яратгандан Сизга сиҳат-саломатлик ва осойишталик ичра узоқ умр насиб қилишини тилайман.

Туркия ва Ўзбекистон ўртасидаги чуқур илдиз отган дўстлик ҳамда қардошлик алоқалари тобора чуқурлашиб бораётганидан бағоят мамнунман.

Сиз билан биргаликда кенг қамровли стратегик шериклик даражасига олиб чиққан муносабатларимиз ва ҳамкорлигимиз келгусида ҳар соҳада мустаҳкамланишда давом этишига ишончим комил.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва муваффақият ёр бўлишини тилаб, дўст ва қардош Ўзбекистон халқининг фаровонлиги учун олиб бораётган ишларингизда омадлар тилаб қоламан.

**Режеп Таййип ЭРДОҒАН,**
**Туркия Республикаси Президенти**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ҳурматли Президент жаноблари!

Олтмиш олти ёшга тўлганингиз муносабати билан энг самимий тилакларимни изҳор этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, таваллуд куним муносабати билан йўллаган мактубингиз учун Сизга ташаккур билдираман.

Сизнинг Италияга ташрифингиз давомида ишонч ҳосил қилганимиздек, мамлакатларимиз чинакам дўстлик ва ҳамкорлик ришталари билан узвий боғланган, бу халқаро миқёсдаги мураккаб ва долзарб масалаларни ҳал этиш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонга ташриф билан бориш имкониятини кутар эканман, Сизни, Президент жаноблари, яна бир бор туғилган кунингиз билан дилдан табриклайман ва бахт-саодат тилайман.

Энг эзгу тилаклар ила,

**Сержо МАТТАРЕЛЛА,**
**Италия Республикаси Президенти**

* * *

Қуйидагилар ҳам ўз табрикларини йўллаган:

Қозоғистон Республикаси Президенти **Қосим-Жомарт Тоқаев**,

Қирғиз Республикаси Президенти **Садир Жапаров**,

Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмон**,

Туркманистон Президенти **Сердар Бердимуҳамедов**,

Туркман халқининг Миллий етакчиси, Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси **Гурбангули Бердимуҳамедов**,

Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев**,

Беларусь Республикаси Президенти **Александр Лукашенко**,

Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси **Валентина Матвиенко**,

Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси **Михаил Мишустин**,

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири **Шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён**,

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Чжан Мин**,

Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби **Кубаничбек Омуралиев**.

*Қутловлар келишда давом этмоқда.*

**Дунё нигоҳи**

# ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ ОСИЁДА БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЎЗАГИ БЎЛИБ ҚОЛДИ

Замонавий сиёсий жараёнлар ва Ўзбекистоннинг жадал ривожланиши хорижий элларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

*Халқаро экспертлар ва ишбилармон доиралар вакилларининг фикр билдиришларича, энг муҳим глобал ва минтақавий муаммолар бўйича долзарб ташаббуслари туфайли Ўзбекистон нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки умуман халқаро майдонда бирлаштирувчи кучга айланди.*

**Рудольф ЛУКМАНН,**
**Германиядаги Анҳалт амалий фанлар университети «Архитектура ва маданий мерос» халқаро магистратура дастури директори, профессор:**

— Мустақил Германия ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик бир неча ўн йиллик тарихга эга. Германия — Ўзбекистон ҳамкорлиги йилномасида эса кўплаб олий даражадаги ташрифлар ўтказилган. Хусусан, Германия Президенти Ўзбекистонга бир неча бор ташриф буюрган. Германия Президенти Ф. В.Штайнмайер ўзининг навбатдаги расмий ташрифи чоғида шундай деганини яхши эслайман: "Ҳозир ҳамма фақат салбий, муаммолар ҳақида, дунё тобора ёмонлашиб бораётгани ҳақида гапиряпти... лекин илтимос, Ўзбекистонга қаранг, бу ёш давлат қандай ишонч билан ривожланиб, қандай тўғри, муваффақиятли йўлдан кетаётганига эътибор беринг.

➡ 3

**Президент ташрифидан сўнг...**

# МАҲАЛЛА

## БАРЧА ИСЛОҲОТЛАРИМИЗДА МАРКАЗИЙ ВА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БЎҒИНГА АЙЛАНАДИ

*Маҳалла — миллийлигимиз тимсоли, қадриятлар ва урф-одатларни авлоддан-авлодга етказувчи ижтимоий макон сифатида ўзлигимизни англаш, миллий фахр ҳамда ватанпарварликни юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, сўнгги йилларда фуқаролар ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб усули — маҳалла институти ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, унинг фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

➡ 3



Халқ сўзи

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

2023 йил 25 июль

# Меҳнат муносабатлари соҳасидаги алоқалар янада кенгайтирилади

*Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Корея Республикаси бандлик ва меҳнат вазири Ли Жунг Сук бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.*

## Мулоқот

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги дўстлик ва алоқада стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, кенг кўламли ҳамкорликни, хусусан, меҳнат муносабатлари соҳасидаги алоқаларни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда парламентлараро мулоқотнинг ўрни муҳимлигига эътибор қаратилди. Шундан келиб чиқиб, Сенат Раиси раҳбарлигида Олий Мажлис юқори палатасининг Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси билан мамлакатларимиз ўртасида олий даражада эришилган келишувлар, "йўл хариталари"нинг бажарилиши ва Ўзбекистон — Жанубий Корея ҳамкорлигининг барча йўналишлари ижроси устидан парламент назоратини таъминлашга қаратилган ҳамкорлик бўйича махсус комиссияси фаолияти самарадорлиги алоҳида қайд этилди.

Шу билан бирга, Жанубий Корея томонининг жорий йилнинг сентябрь ойига мўлжалланган янги форматдаги "Марказий Осиё + Корея Республикаси" парламентлараро ҳамкорлик бўйича саммити кун тартибига қирралари муносабатларни кенгайтириш учун янги имкониятлар очиши таъкидланди.

Мулоқот чоғида давлатларимиз ўртасидаги икки томонлама алоқаларда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ йўналиш муҳим аҳамият касб этиши, бу борадаги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилишнинг ҳуқуқий асосларини биргаликда ишлаб чиқиш, ўзаро таклифлар, музокаралар ва учрашувларни фаоллаштириш масалаларини ҳал этиш ва йўналишларини белгилаб олишда муҳимлиги айтиб ўтилди.

Шунингдек, БМТнинг "Иш ўринларини яратиш ва ижтимоий ҳимояни кучайтириш бўйича глобал тезлаткич" ташаббуси доирасида ҳамкорликдаги лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан таклифлар илгари сурилди.

Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси тегишли вазирликлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумнинг имзоланиши икки томонлама муносабатларни янги босқичга олиб чиқиши ҳам таъкидлаб ўтилди.

Меморандумни амалга ошириш доирасида меҳнат муҳофазаси гендер тенглиги ҳамда "Better work" дастурини амалга ошириш масалаларини ҳал қилишда ўзаро ҳамкорликни акс эттирувчи Қўшма ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш таклифи қўллаб-қувватланди.

**«Халқ сўзи».**

## Муносабат

# ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК — ЮКСАЛИШ ГАРОВИ

*Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқини катта қизиқиш ҳисси ва мамнуният билан тингладик. Орадан ўтган қисқа вақт мобайнида бу нутқда илгари сурилган ғоя ва ташаббусларни ҳамда белгиланган устувор вазифаларни теран таҳлил қилиш имконига эга бўлдик.*

Дарҳақиқат, дастурий характерга эга бўлган мазкур нутқда барча жабҳа ва йўналишлар қамраб олинган.

Маълумки, бугун барча соҳада белгиланган вазифа ва мақсадларга иқтисодий барқарорликни таъминламасдан туриб эришиш қийин. Шу боис Президент томонидан мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш учун Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибадорлигини янада ошириб, иқтисодиётга инвестицияни кенг жалб этиш ҳамда банк тизимини ислоҳ қилиш энг асосий вазифаларидан бири бўлиши таъкидлаб ўтилди.

Ушбу мақсадларга эришиш учун 2030 йилгача 250 млрд. доллар инвестицияни ўзлаштириш, жумладан, бунда 110 млрд. долларни хорижий инвестициялар ҳисобига ўзлаштириш, 40 млрд. долларни давлат-хусусий шериклик доирасида жалб этиш мақсад қилинганлиги айтиб ўтилдики, бу бутун халқимиз учун айни муддаодир. Негаки, катта миқдорда маблағлар кириб келса, янги-янги ишлаб чиқариш объектлари иш бошлайди, кўплаб иш ўринлари яратилади.

Шунингдек, хорижий инвестицияларни ўзлаштириш билан бир қаторда, банк тизимида йиллик кредитлаш ҳажмини ҳозирги 18 млрд. доллардан 40 млрд. долларга етказиш бўйича аниқ дастурлар амалга оширилади. Бу ҳам қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини тушуниш учун мутахассис бўлиш шарт эмас, деб ўйлаймиз.

Қолаверса, банкларга қўйилаётган омонатлар ҳажми 4 бароборга ошиб, банкларни хусусийлаштириш жараёнлари тезлаштирилади. Бунинг учун банк бозорига яна камида 4 та йирик нуфузли чет эл банки кириб келиши таъминланади ҳамда натижада нобанк молиявий хизматларни кенгайтириш имкониятлари яратилади.

Ўз навбатида, иқтисодиёт қон томири бўлган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, экспорт ҳажмини ошириш учун Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш ишларини жадаллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Хусусан, Саноатни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, унга бир млрд. доллар маблағ ажратилади. Қолаверса, келгуси йилларда нуфузли хорижий 50 та бренд билан махсус экспорт зоналари очилади. Бу бевосита маҳаллий тадбиркорларимиз иш фаолиятига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиб, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар дунё бозорида муносиб ўрнини топишига замин ҳозирлайди.

Бундан ташқари, ҳар бир туманда камида мингта иш ўрни яратадиган 2 тадан янги саноат зоналари очилади. Тайёр инфратузилмага эга саноат зоналарига хорижий инвестицияларнинг кенг жалб этилиши эса ҳар бир иш ўрнини муносиб меҳнат ҳақи билан кафолатлашда қўл келади.

Умуман, олдимизда мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ долзарб вазифалар турибди. Барчамиз биргаликда ҳаракат қилсак, албатта, ушбу мақсадларимизга ҳам эришамиз.

**Анна ДОБРИХ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# ЎЗБЕКИСТОН — МЕҲР МАМЛАКАТИ

*Меҳр туйғуси муқаддас. Инсон бир умр меҳр кутиб яшайди. Шу боис ҳам ҳар биримиз ҳаётимизни меҳрдан айро тасаввур этолмаймиз.*

*Кези келганда айтиш керакки, меҳр тушунчаси ҳам турли табақаларга бўлинади. Яқинлар меҳри, дўстлар меҳри, оила меҳри ва яна бошқалар... Лекин инсон меҳрнинг бу кичик тармоқларини бирлаштирувчи жамият меҳри, давлат меҳри, Президент меҳрига ҳар доим муҳтожлик сезади, десак, муболаға бўлмайди.*

*Назаримизда, яқин тарихимизда инсонга меҳрнинг айнан мана шу олий категориялари, яъни жамият, давлат ва Президент меҳри етишмади.*

## Фахр

Хўш, бу нималарда кўзга ташланади?

Жамиятнинг меҳрсизланиши инсоннинг ўзи мансуб бўлган жамиятдан узоқлашишига олиб келди. Бепарволик, лоқайдлик ортди. Ўзаро меҳр-оқибат йўқолди. Миллий қадриятлар ортга тисарилди. Буларнинг барчаси пировард натижада жамиятни маънавий инқирозга етаклади.

Давлатнинг ўз фуқароларига меҳрсизлиги давлат ва инсон ўртасидаги ўзаро ишонч йўқолишига ҳам олиб келади. Бунинг натижасида тарихда жуда кўплаб салтанатлар емирилган. Куч ва қудрат ўрнини хиёнат эгаллаган. Давлат ва инсон ўртасида ўтиб бўлмас жарлик ҳосил бўлган.

Фикримизга қайтадиган бўлсак, Президент меҳри бугун инсонга ҳар қачонгидан-да зарур ва муҳимлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Мамлакат раҳбари ва миллат якдил бўлмаган юртда тараққиёт ҳам, тинчлик ҳам, тотувлик ҳам бўлмайди. Зотан, Президент меҳридан ҳар бир ватандошимиз баҳраманд бўлишга ҳақлидир.

Дунёни кузатсак, бугун меҳр ўрнини қаҳр, муҳаббат ўрнини нафрат, эзгулик ўрнини разолат эгаллаганини кўрамиз.

Ҳа, меҳр тамойили ҳукмрон бўлмаган жамиятларда зулм устуворлик қилаётгани бор гап. Бу эса шундоқ ҳам чигаллашиб бораётган ўзаро муносабатларнинг боши берк кўчага кириб қолишига олиб келмоқда.

Демак, жамиятлар янгиланиши, ривожланиши, юксалиши учун ҳам, аввало, меҳр бўлиши керак. Меҳр барча муносабатларимизни ўзаро тартибга солиб туриши шарт ва зарурдир.

Президент Шавкат Мирзиёев давлат бошқарувига келиши билан миллатга меҳр кўрсатишга бел боғлади. Бу инсоннинг меҳри мамлакатнинг энг чекка қишлоқ ва овулларигача етиб борди, дейишга бугун тўла асослар бор.

Меҳр қандай пайдо бўлади? Қандай туғилади?

Назаримда меҳр туйғуси, аввало, халқини яхши кўрадиган инсонда бўлади. Халқ дардига дармон бўлиш, эшитиш, кўнглига йўл топиш, қалбига қулоқ солиш ва халқни рози қилиш учун ҳам, биринчи навбатда, халқни яхши кўриш, халқни севиш керак.

Шавкат Мирзиёев 2016 йилдаёқ халқ билан давлат ўртасида пайдо бўлган мана шу бўшлиқни, меҳрсизлик жарлигини тўлдиришга киришди.

Бу осон бўлгани йўқ, албатта. Чунки халқ ишончи давлатга нисбатан сўниб бўлган ўша кунларда меҳр оловини ёқиш учун катта куч, жасорат, матонат ва букилмас сиёсий ирода зарур эди.

Атрофдагилар лоқайдлик гирдобида қолган ўша кунларда давлатимиз раҳбари одамлар орасига интилди. Халқ ичига кириб борди. Муаммолар билан бирга қолган, бирга яшаётган одамлар кўзини меҳр нури қамаштирар эди.

Президент Шавкат Мирзиёев очган йўллар нимаси билан муҳим ва қадрли?!

Бу йўллар меъмори бир буюк мақсадни ўз олдига қўйган. Бу йўллардан ҳеч қачон ортга қайтиб бўлмайди. Бу йўллар ўзанини ҳеч қачон ортга буриб бўлмайди. Бу йўлларда ҳаракат фақат бир томонлама — олдинга юрилади, ортга эмас.

**Президент меҳри, аввало, мурғак болаларимиз, талабаларимиз, қолаверса, ўқитувчи ва шифокорларимиз елкасидаги залварли пахта юкини олиб ташлади. Тарихда биринчи марта Ўзбекистонда мажбурий меҳнат бекор қилинди. Буни дўст ҳам, душман ҳам эътироф этди. Мустабид тузумдан мустақилликка бемалол ўтган пахта қуллигига барҳам берилди.**

Халқларимизнинг асрий орзуси, ҳеч қачон етиб бўлмас нияти, бир бутун Марказий Осиё ғояси ҳам Президент Шавкат Мирзиёевнинг нафақат халқимизга, балки минтақа халқларига бўлган меҳри туфайли амалга ошди. Бунгача эса дини бир, тили бир, дили бир, ўтмиши, кечмиши бир бўлган Марказий Осиё халқлари қандай аянчли кунларни бошидан ўтказгани кўпчиликка яхши аён: бир-бири билан уриштирилди, ер-сув талашди. Бир-бирининг йўлига, ҳатто мина қўйди. Бунинг натижасида қанчадан-қанча айбсиз инсонлар қурбон бўлди.

Ўшанда нафақат чегараларга, балки инсонлар қалбларига ҳам тиканли симлар тортилди. Оддий одамларнинг фарёди кўкка етса-да, юракларга етиб бормади...

Президент Шавкат Мирзиёев бир бутун Марказий Осиё ғоясининг асосчиси ва муаллифи сифатида тарихда қолади. Аслида, бу Берлин девори қулашидан-да муҳимроқ воқеадир.

Бу инсон меҳри туфайли ўзи, оиласи шу ерда яшаса-да, болалари шу заминда туғилса-да, фуқаролик ололмай юрган, камситилган, ҳуқуқи чорак аср давомида поймол этилган минглаб юртдошларимизга Ўзбекистон фуқароси мақоми берилди.

Ўшанда уларнинг кўз ёшларини кўриб, армонларини тинглаб, қанчалик оғир бўлганлигини ич-ичимдан ҳис этган эдим. Ўша даврнинг калтабин сиёсати туфайли бундай тақдир хорижда юрган юртдошларимизни-да четлаб ўтмаган эди. Бундай улкан муз тоғини эритиш учун қуёшдай меҳр зарур эди.

Президент меҳри туфайли узоқ йиллар қоғозда бор, амалда йўқ инсон ҳуқуқларини таъминлаш йўлида дадил қадамлар ташланди. Инсонга, аввало, яшаш, ишлаш, уй-жой олиш, фарзандларини ўқитиш, тадбиркорлик қилиш, ўз ишини очиш имконияти берилди.

Ҳа, унгача булар фақат қоғозда эди. Бунинг натижасида жуда кўп истеъдодли, иқтидорли ҳамюртларимиз Ватандан йироққа — четга чиқиб кетишга мажбур қилинди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш, унга яшашга имкон бермаслик инсоннинг ўзи мансуб бўлган жамиятга нисбатан нафрат ва аламий ортишига олиб келди.

Охирги олти-етти йилдаги ислоҳотлар ишонч уйғотиб, бир неча юз минглаб юртдошларимиз Ватан ва оила бағрига қайтиб келганлиги, ўз билим ва тажрибасини мамлакатимиз тараққиёти йўлида сарфлаётгани ҳисобини ҳам олиб бориш шарт ва зарур.

Меҳр туфайли мамлакатимизда ўрнатилган ижтимоий адолат, ижтимоий тенглик, қонун устуворлиги халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлади.

Ижтимоий адолат тамойилига бўйсундирилган ислоҳотлар умумхалқ мақсадига айланди.

Ижтимоий адолат туфайли уйсизлар уйли, ишсизлар ишли бўлди.

Камбағаллик, ногиронлик ёки касаллик туфайли ўта оғир аҳволга тушиб қолган, жамиятдан узилган инсонлар тақдирини ўнглаш давлатнинг диққат марказига кўтарилди.

Ўзбекистонда йиллар давомида раҳбарлар қабулига кириб бўлмаслик синдроми ҳукмронлик қилди. Одамлар ўз ёғига ўзи қоврилиб яшашга маҳкум этилган эди. Бунинг натижасида жойларда ижтимоий муаммолар кескин ошиб кетиши кузатилди.

Президентнинг халққа бўлган чексиз меҳри туфайли тарихда биринчи марта вазир, Президент маслаҳатчиси, вилоят ҳокими, Олий суд раиси, бош прокурорнинг сайёр қабуллари институти ташкил этилди. Бу институтнинг, ҳатто энг демократик давлатларда ҳам йўқлиги унинг қийматини бир-неча баробар оширди. Бу институт одамларнинг узоғини яқин, мушкулини осон қилиши билан қалбларимиздан чуқур ўрин олди. Муаммоларни жойида ҳал этиш, қонун бузилиши ҳолатларини бартараф қилишнинг ўзига хос механизмига айланди.

Ана шу меҳр туфайли давлат идоралари олдига ўрнатилган, давлат ва халқ ўртасидаги ўзига хос тўсиқ сифатида қаралган темир панжаралар олиб ташланди.

Бу ўзгариш ҳам одамларда ишонч пайдо бўлишига олиб келди. Улар эркин ҳаракатланишига, давлат муассасаларига эмин-эркин кириб чиқишига имконият берди. Айни чоғда тўсиқлар нафақат бинолар олдидан, балки одамларнинг юрагидан олиб ташланганлигини алоҳида эътироф қилишни истайман.

Меҳр боис маҳалла институти бутунлай янгича мазмун-моҳият касб этди. Ўзбекистондаги бугунги маҳалла институтининг дунёда на қиёси, на муқобили борлигини халқаро экспертлар ҳам тан олмоқда. Тажриба алмашиш, ўрганиш учун Ўзбекистонга ташриф буюришмоқда.

Бундан кўзланган мақсад нима?

Барча ислоҳотларни халққа янада яқинлаштириш, ижросини таъминлаш, тушунтириш, осонлаштириш, соддалаштириш, юқоридан қуйига эмас, балки қуйидан юқорига олтин қоидасига амал қилишдир.

Президент меҳри туфайли Ўзбекистонда сўз эркинлиги, фикр эркинлиги таъминланди.

2016 йилдан бошлаб унгача мавжуд бўлган босма нашрлар ва радио, телевидениедан фарқли равишда ижтимоий тармоқлар фаоллиги кўзга ташланди.

Мустақил веб-сайтлар, телеграм-каналлар, блоглар пайдо бўлди. Улар эркин фаолият юритишига мамлакат раҳбарининг шахсан ўзи кафолат берди.

Инсонларни айтган фикри учун жазолаш, таъқиб этиш, яқинларига тазйиқ ўтказиш қайсидир маънода тарихга айланди.

Давлат оммавий ахборот воситалари билан бир қаторда мустақил, хусусий ОАВ фаолият кўрсатиши, журналистик фаолиятни бемалол олиб бориши учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилди. Уларнинг барча ҳуқуқ ва ваколатлари тенглаштирилди. Аралашувлар, тўсқинлик қилиш каби сурункали иллатларга қарши аёвсиз кураш олиб борилмоқда.

Бу эзгу амаллар эътирофини яна узоқ давом эттирса бўлади. Аммо мақсадимиз бу эмас.

Сирасини айтганда, Президент меҳри туфайли обод бўлаётган Ватанимиз, фикр қуллигидан қутулган миллатимиз олдидаги масъулият ҳеч қачон камаймаслигини юракдан ҳис этамиз.

Демакки, давлат ҳам, жамият ҳам меҳрсиз яшолмайди. Тараққий этмайди, ривожланмайди, юксалмайди. Миллат рўшнолик кўрмайди. Бу ҳақиқатни ҳар биримиз теран англашимиз, ҳис этишимиз зарур. Шундай бўлгач меҳр мамлакати бўлган Ўзбекистонимиз янада гуллаб-яшнайди, халқаро майдонда обрў-эътибори бундан-да мустаҳкамланади.

**Рустам ХОЛМУРОДОВ,**
**Самарқанд давлат университети ректори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Олий Мажлис Сенати аъзоси.**



## Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фракцияларида

# МУҲИМ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

*Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда депутатлар мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётига дахлдор бўлган муҳим қонун лойиҳаларини муҳокама қилди.*

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси** йиғилишида дастлаб “Ер тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда ер муносабатлари соҳасида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ишончли тарзда ҳимоя қилиш бўйича изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ер участкалари ижара муносабатларининг ўзига хос хусусиятларини аниқ белгилаш, бундан ташқари, ўзганинг кўчмас мулкидан чекланган тарзда фойдаланиш (сервитут) ҳуқуқини амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш, жамоат эҳтиёжлари учун оммавий сервитут белгиланишини ҳуқуқий тартибга солиш зарурати юзага келмоқда.

Қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси сервитут шартномаси, унинг иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, сервитутни ўзгартириш, бекор қилиш, ҳақ тўлаш, оммавий сервитутни белгилашга оид қоидалар билан тўлдирилмоқда.

Шу билан бирга, ижара муносабатларининг объектларига бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бошқа шахсга ўтказилиши (қайта ижарага берилиши) белгиланмоқда, ер участкаларини ижарага беришнинг тартиби ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг хусусий мулки бўлган ер участкасига мулк ҳуқуқини бекор қилиш ҳоллари аниқлаштирилмоқда.

Узоқ давом этган савол-жавоблардан сўнг фракция аъзолари қонун лойиҳасининг қабул қилиниши сервитут белгилаш билан боғлиқ муносабатлар ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишига, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорлари ҳуқуқлари ишончли ҳимоясига хизмат қилишини эътиборга олиб уни маъқуллади.

Йиғилишда кўриб чиқилган навбатдаги масала — “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотлари доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўлди.

Муҳокамалар давомида таъкидланганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларининг биринчи босқичи амалга оширилишини таъминлашга, шунингдек, профессионал бошқарув принципларига асосланган ва натижага йўналтирилган республика ижро этувчи ҳокимият органларининг яхлит тизимини шакллантиришга йўл очади.

**“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси** йиғилишида Президентимизнинг 19 июль куни “Кўрфаз араб давлатлари — Марказий Осиё” олий даражадаги биринчи саммитидаги иштироки ва нутқи мазмун-моҳияти муҳокама қилинди.

Фракция раҳбари Алишер Қодировнинг таъкидлашича, ушбу ташриф нафақат маънавий, балки иқтисодий нуқтаи назардан ҳам катта аҳамиятга эга бўлди.

Шундан сўнг депутатлар “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”-ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқишди.

Таъкидланганидек, шу йилнинг 30 апрелида янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Президентининг “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди ва унинг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган ушбу лойиҳага кўра Конституциявий судга янги ваколатлар берилмоқда.

Жумладан, энди Ўзбекистон Республикаси референдумига олиб чиқиладиган масалалар дастлаб Конституциявий судда кўриб чиқилади ва унинг Конституцияга мувофиқлиги аниқланади. Янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ, Конституциявий суд судьялари қайта сайланиш ҳуқуқисиз 10 йил муддатга сайланиши белгиланяпти. Илгари Конституциявий суд судьялари 5 йилга, кейин 10 йил муддатга сайланар эди.

— Конституциявий суд ушбу қонун лойиҳасини тайёрлашда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси билан яқин ҳамкорлик ўрнатди. Ишчи гуруҳ томонидан билдирилган кўплаб таклифлар эътиборга олиниб, ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ечилди, — деди фракция аъзоси Муҳтабар Ҳусанова.

Йиғилишда “Ўлчаш воситаларини қиёслашдан ўтказиш соҳасига хусусий сектор жалб қилиниши муносабати билан “Метрология тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонуни лойиҳаси ҳам қизғин муҳокамадан ўтказилди.

Депутатлар маҳсулот, жараёнлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги масалаларида истеъмолчилар ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини оширишга кўмаклашишини эътиборга олиб, қонун лойиҳасини маъқуллади.

**“Адолат” СДП фракцияси** йиғилишида “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Йиғилишда қайд этилганидек, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди ҳамда унинг ваколатларига доир янги нормаларнинг белгиланганлиги Конституциявий суд фаолиятини ягона ёндашув асосида ислоҳ қилиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси билан “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунига Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди томонидан Ўзбекистон Республикаси референдумига чиқарилаётган масалаларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида хулоса берилишини, шунингдек, Конституциявий суднинг судьялари қайта сайланиш ҳуқуқисиз ўн йиллик муддатга сайланишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олий юридик кучга эгалигидан келиб чиқиб, Конституция ва қонунларнинг сўзсиз устуворлиги ҳамда уларнинг бир хилда амалда бўлишини таъминлайди.

Фракция аъзолари партия Сайловолди дастуридаги мақсад ва ғоялардан келиб чиққан ҳолда мазкур қонун лойиҳаси муҳим концептуал ҳужжат эканлиги, ушбу йўналишдаги қонунчиликнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этишини эътироф қилиб, уни қўллаб-қувватлади.

**Халқ демократик партияси фракцияси** йиғилишида дастлаб “Ер тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси билан ижара муносабатларининг объектларига бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бошқа шахсга ўтказилиши (қайта ижарага берилиши) белгиланмоқда, ер участкаларини ижарага беришнинг тартиби ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг хусусий мулки бўлган ер участкасига мулк ҳуқуқини бекор қилиш ҳоллари аниқлаштирилмоқда.

Қонун лойиҳаси ижара муносабатлари янада кенгайишига, сервитут белгилаш билан боғлиқ муносабатлар ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишига, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорлари ҳуқуқлари ҳимояси учун хизмат қилиши қайд этилиб, фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда, шунингдек, “Ўлчаш воситаларини қиёслашдан ўтказиш соҳасига хусусий сектор жалб қилиниши муносабати билан “Метрология тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокамадан ўтказилди.

Маълумки, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш, мазкур соҳаларда халқаро стандартларни тизимли равишда жорий этиш долзарб масала. Шунинг учун бу йўналишда катта ишлар қилинмоқда. Уларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш ҳам муҳим саналади.

Қонун лойиҳасида “Метрология тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўлчаш воситаларини қиёслаш хизматлари республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бошқаруви органлари ҳисобланмайдиган юридик шахсларнинг метрология хизматлари томонидан кўрсатилиши, ўлчаш натижалари давлат аҳамиятига эга бўлган ўлчаш воситалари туркумларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланишини, шунингдек, метрология текшируви ҳамда давлат метрология назорати функцияларининг ажратилиши назарда тутилмоқда.

Қизғин муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан маъқулланди.

**Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси** аъзолари томонидан “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорликни ҳамда иқтисодиётда соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, истеъмолчилар ва интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш, аҳоли соғлиғини сақлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси билан инсон ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларни ишлаб чиқариш ва сотганлик учун жазо чоралари янада кучайтирилиши таклиф этилмоқда. Шунингдек, лойиҳада этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарганлик ёки муомалага киритганлик тўғридан-тўғри жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасида тадбиркорнинг товар брендидан ноқонуний фойдаланиб маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, санитария ва ветеринария қонунчилигини бузиш каби маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жазоларни кучайтириш таклиф этилмоқда.

Йиғилишда фракция аъзолари муҳокамадаги қонун лойиҳаси партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларига ҳамоҳанг эканлигини ҳамда партия электорати манфатларига тўла мос келишини таъкидлаб, уни маъқуллади.

*Йиғилишларда фракциялар ваколатига кирувчи бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.*

**«Халқ сўзи».**

# ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ ОСИЁДА БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЎЗАГИ БЎЛИБ ҚОЛДИ

**Замонавий сиёсий жараёнлар ва Ўзбекистоннинг жадал ривожланиши хорижий элларда катта қизиқиш уйғотмоқда.**

←1 Ўзбекистон нақадар жадал ривожланаётганига назар ташласангиз, бу дунёда ҳамон яхши келажакка умид борлигини тушунасиз".



Ўйлайманки, бу бугунги икки томонлама ҳамкорлигимизни аниқ-равшан ифодалайдиган энг яхши таърифдир. Бу фикрлар ГФР Президентининг ниятлари некбинлиги ва самимийлигидан ҳамда Ўзбекистон билан кўп қиррали алоқаларни ҳар томонлама чуқурлаштиришга тайёр эканлигидан далолат беради.

Яқинда амалдаги Конституцияга жиддий ўзгартиришлар киритилди. Ишончим комилки, янгиланган Конституциянинг қабул қилиниши натижасида мамлакат тараққиёти янги суръатлар касб этади. Янгиланган Бош қомус Ўзбекистонга кучли ижобий туртки бўлади. Асосий Қонунни бу сингари конструктив ва долзарб масалалар киритилган ҳолда янгилашнинг ижобий натижаларидан одамлар янада руҳланади.

Таълим соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида қуйидагиларни қайд этишни истар эдим: бизнинг Анхальт амалий фанлар университетимиз Германиядаги нуфузли давлат университетларидан бири бўлиб, унинг ўқув дастури бутун интеллектуал халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган. Бугунги кунда талабаларимизнинг 50 фоиздан ортиғини хорижликлар ташкил этади. Ҳозирги кунга қадар бошқа хорижий университетлар билан ўнлаб қўшма халқаро таълим дастурларини ишлаб чиққанмиз. Ўзбекистон таълим муассасалари орасидан Тошкент архитектура-қурилиш институти билан илк алоқаларни 1998 йилда йўлга қўйган эдик. Ҳамкорликни профессор-ўқитувчилар алмашувидан бошладик. 2020 йилда "икки томонлама диплом бериш" (double degree) дастури жорий этилди, унга кўра, талабалар икки олий ўқув юртида таҳсил олиши ва кейинчалик ҳар икки муассасанинг дипломига эга бўлишлари мумкин. Мазкур лойиҳа Ўзбекистон билан ҳамкорлигимиз тарихида бу борадаги энг муваффақиятли ташаббуслардан бирига айланди. Эндиликда ушбу ёндашувни машинасозлик, электротехника ва қишлоқ хўжалиги сингари соҳаларга ихтисослаштирилган бошқа университетлар орасида татбиқ этишни режалаштирмоқдамиз. Бунинг учун тажриба ва имкониятларимиз етарли. Бундай лойиҳаларимиз юқоридаги йўналишлар бўйича пухта таълим олган мутахассислар тайёрлашга улкан ҳисса қўшмоқда. Бу каби қўшма таълим дастурларини жорий қилиш ҳар икки давлатнинг нафақат гуманитар йўналишда, балки бошқа соҳаларини ҳам янада яқинлаштиришига шубҳа йўқ. Шу тариқа доимий равишда билим ва тажриба алмашиш орқали биргаликда энг самарали, илғор ўқитиш усулларини ишлаб чиқишимиз мумкин.

Юқоридагилардан ташқари, Ўзбекистон ва Германия университетлари ўртасида таълим соҳасида бошқа кўплаб истиқболлар ҳам бор. Бизга фақат илм-фанда яратувчанлик ҳамда уларни амалга ошириш учун иштиёқ лозим ва бизда буларнинг барчаси мавжуд, албатта.

**Доктор Шаҳзад НАСИМ,**
**«Meinhardt Group» компаниялари гуруҳи директорлар кенгашининг ижрочи раиси (Сингапур):**



— Ўзбекистон ҳақида гапирганда шуни таъкидлашни истардимки, Марказий Осиёнинг қоқ юрагида жойлашган ушбу мамлакат улкан салоҳиятга эгадир. Ўзбекистон шитоб билан ривожланаётган иқтисодиёт соҳиби бўлгани ҳолда сўнгги беш йил ичида мамлакатда ўсиш суръати 5 фоиздан зиёдни ташкил этди. Ушбу мамлакат бизнес юритиш учун юқори даражадаги қулайликларни таклиф қилмоқдаки, бу инвесторлар учун яхши янгилик ва имконият ҳисобланади.

Давлат идоралари барча инвесторларга ёрдам кўрсатади, уларни қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон мамлакатимизнинг Марказий Осиёдаги иккинчи йирик савдо ҳамкори бўлиб, қулай жуғрофий жойлашувга ва Сингапурга ўхшаш хусусиятларга эга. Сингапур АСЕАН учун эшикдир, худди шунингдек, Ўзбекистон ҳам Европа дарвозаси бўлиши мумкин.

"Meinhardt Group" Ўзбекистонда яратилаётган имкониятлардан жуда мамнун. Ҳозирги пайтда Тошкентда ўз офисимизни очиш ҳаракатидамиз, ваколатхонамиз идораси жорий йил август ойидан эътиборан иш бошлайди. Ҳозирги пайтда амалга оширилаётган янги Тошкент шаҳрини ривожлантиришнинг Бош режасини ишлаб чиқишда иштирок этиш биз учун катта шарафдир. Бу Ўзбекистон пойтахтини дунёнинг исталган пойтахти билан таққослашга имкон беради.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Сингапурга ташрифи мамлакатимизда жуда яхши кутиб олинди, ташриф жуда муваффақиятли бўлди.

Муҳандислик илмидан яхши хабардор бўлган Президент иқтисодиёт ва бошқарув нуқтаи назаридан Ўзбекистоннинг келажакдаги ўзгаришлари юзасидан илҳомлантирадиган ва стратегик қарашларга эга. У Осиёнинг энг истиқболли етакчиларидан бири бўлгани ҳолда мамлакат иқтисодиётида ўзгариш ясай олди, бунинг натижаси ўлароқ, ҳозирги пайтда аҳолининг 50 фоизи шаҳарларда истиқомат қилмоқда. Унинг сўнгги сайловдаги ғалабаси эса халқнинг юксак ишончидан далолат беради. Биз унинг узоқни кўра олишига ҳамда олдига қўйган мақсадларига эришиш йўлидаги интилишларига ишонамиз.

**Гао ХАНЬСЮН,**
**Хитойнинг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институтининг «Бир макон, бир йўл» илмий-тадқиқот маркази раҳбари:**



— Президент Шавкат Мирзиёевнинг очиқ, прагматик сиёсати туфайли Ўзбекистон Марказий Осиёда барқарорлик ва тараққиётнинг ўзаги бўлиб қолди.

Сўнгги йилларда Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик фаол ривожланмоқда, натижада минтақада мутлақо янги муҳит пайдо бўлди. Шу аснода биз Хитой ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик янги шаклда фаоллашаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу эса биргаликдаги тараққиёт ва фаровонликка хизмат қилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Хитой ва Ўзбекистон минг йиллик муносабатлар тарихига эга. Мамлакатларимиз кўп асрлар давомида кўҳна Ипак йўли бўйлаб шаклланган савдо ва маданий алмашувнинг фаол алоқаларини сақлаб келмоқда.

Бугунги кунда давлатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва "Бир макон, бир йўл" ташаббуси доирасида илгари сурилган вазифаларнинг ўхшашлиги ва яқинлиги туфайли ўзаро ҳамкорликнинг тубдан янги, юқори даражасига кўтарилди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон — Хитой муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун қулай замин яратмоқда.

**Йоҳанна ЛЕРФЕЛЬ,**
**Франция Соғлиқни сақлаш ассоциациясининг делегати:**

— Франция Соғлиқни сақлаш ассоциацияси жамоат ташкилоти бўлиб, унинг мақсади Франциянинг энг илғор тажрибасини халқаро миқёсда тарғиб қилиш ва дунёнинг бошқа мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишдир.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасининг ривожланиши ҳақида гап борар экан, сўнгги йилларда мамлакатда катта ислоҳотлар амалга оширилаётганини таъкидлашни истар эдим. Республика тиббиёт муассасаларида, шунингдек, ушбу соҳа ходимлари учун қулай шароитлар яратилди. Умуман олганда, Ўзбекистон раҳбарияти мамлакатда бутун соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича фаол иш олиб бормоқда.

Бугунги кунда ассоциациямиз Ўзбекистон билан фаол ҳамкорлик қилмоқда. Ўзаро тажриба алмашиш, шунингдек, Ўзбекистон тиббиёт муассасалари ва Франциянинг "French Healthcare" соғлиқни сақлаш ассоциацияси ўртасидаги ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилиш бўйича мунтазам маслаҳатлашувлар олиб борилмоқда.

Давлатларимиз раҳбарлари ўртасида ишончли ва дўстона муносабатлар ўрнатилгани ўзаро муносабатларимиз равнақига кучли туртки бермоқда.

Ўзбекистон Президентининг 2022 йил ноябрь ойида Францияга ташрифи соғлиқни сақлаш соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди.

Ташриф якунлари бўйича муассасаларимиз ўртасида, хусусан, Франция Бирдамлик ва соғлиқни сақлаш вазирлигининг Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Санитария-эпидемиология фаровонлиги ва аҳоли саломатлиги хизмати ҳамда Ўзбекистон Инновацион ривожланиш вазирлиги (ўша пайтда) ўртасида қатор ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.

Бундан ташқари, санитария хавфсизлиги соҳасида илмий-маърифий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва икки мамлакатнинг етакчи мутахассислари ўртасида мунтазам видеоконференциялар ташкил этиш орқали яқин алоқаларни йўлга қўйиш бўйича келишувларга эришилди.

Шуни ҳам таъкидлашни истардимки, Ўзбекистондаги ёш тиббиёт мутахассисларининг нафақат амалий ишларга, балки унга асосланган илмий изланишларга ҳам иштиёқи баланд. Буни 28 апрель куни хорижий мамлакатлар вакиллари иштирокида Ўзбекистонда бўлиб ўтган ёшларнинг иккинчи илмий-амалий конференцияси яққол намойиш этди.



Мамлакат раҳбарияти соғлиқни сақлаш тизимини модернизация қилишга, хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, шифокорларни хорижга ўқишга юбориш, замонавий таълим олиш учун шароитлар яратиш, давлат-хусусий лойиҳаларини амалга ошириш, хусусан, Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш инфратузилмасини такомиллаштириш алоҳида эътибор қаратаётганидан мамнунмиз.

Шу боис Франция томони бу йўналишда Ўзбекистон билан ҳамкорликни давом эттиришга ва келажакда Ўзбекистон — Франция алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган узоқ муддатли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканлигини таъкидлашни истар эдим.

**«Дунё» АА.**

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: СУРАТ ВА СИЙРАТ ЧИЗГИЛАРИ

*Шавкат Мирзиёев парламент палаталарининг қўшма мажлисида тантанали қасамёд қилди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришди.*

## Мутолаа






Бу чиндан ҳам мамлакат солномасида янги даврни очиб берадиган тарихий ҳодиса. Шавкат Мирзиёев илгари сурган инсон шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият саналадиган ижтимоий давлатни шакллантириш ғояси халқ томонидан якдиллик билан қўллаб-қувватланди.

Бу ҳақда гап борар экан, Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистон кейинги етти йилда бутунлай янги сурат ва сийрат касб этганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Давлат қурилиши, бошқарувни ихчамлаштириш, фуқаролик жамияти институтлари ролини ошириш ва улар фаолияти самарадорлигини таъминлаш, очиқ, эркин фуқаролик жамияти орқали иқтисодий тараққиётнинг мутлақо янги асослари юзага келмоқда.

Давлат ва жамоат арбоби, илм-фан, миллий олий таълим тизими отахони, академик Оқил Салимовнинг "Янги Ўзбекистон давлати" китоби айни шу тарихий ўзгаришларни публицистик руҳда, ҳаётий мисоллар, чуқур таҳлиллар, қиёсий талқинлар асосида, содда ва жонли услубда очиб бергани билан аҳамиятлидир.

Китоб "Ижтимоий давлат одимлари", "Маърифатли жамият сари", "Янги Ўзбекистон жаҳон меҳварида" каби уч қисмдан иборат бўлиб, улардан жой олган мақолаларда янги Ўзбекистон давлати ва унинг феноменал жиҳатлари ҳақида сўз юритилади. Улуғ мақсадлар билан буюк келажак сари одимлаётган халқимизнинг руҳияти, учинчи Ренессансга пойдевор яратиш борасида олиб борилаётган оламшумул ишлар, уларнинг моҳияти, барча ўзгаришлар, янгиланишларнинг ташаббускори, муаллифи бўлган давлатимиз раҳбарининг орзу-интилишлари, мақсад-муддаолари тасвирланади.

Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, муаллиф юртимизда нафақат фан ва таълим соҳалари ривожига катта ҳисса қўшган атоқли олим, балки амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ичида юрган, халқимизнинг жонкуяр, фидойи фарзанди. Кўплаб ёш олимларга, давлат ва жамоат арбобларига устозлик қилган бу инсон мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришларни қиёсан таҳлил эта олади, истиқболларни кўра билади.

Оқил Салимовнинг қуйидаги фикрлари бу борада эътиборни тортади:

— Сўнгги йиллардаги улкан ислоҳотларнинг гувоҳи сифатида Ўзбекистонни чорак аср бошқарган атоқли давлат ва жамоат арбоби, таниқли ёзувчи ҳамда истеъдодли шоир, оташин публицист Шароф Рашидович Рашидов ёдимга тушади...

Қайд этиш кераки, ўз вақтида республикага кўп йиллик раҳбарлик қилган Усмон Юсуповнинг эътибори Иккинчи жаҳон урушининг жанг майдонларидан ярадор ҳолда қайтган ёш йигит Шароф Рашидовга тушган ва вақт ўтиб, бу йигит зиммасига Ўзбекистон раҳбари бўлиш ва мамлакатни донолик билан бошқариш тақдири битилганди...

Йиллар ўтди, Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги раҳбари Шароф Рашидовнинг нигоҳи Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ёш талабаси, сўнгра аспиранти Шавкат Мирзиёевга тушди. Улар икки маротаба учрашишган. Шароф Рашидович ўшанда ҳозирда жаҳон жамоатчилиги томонидан Ўзбекистон халқининг тан олинган етакчисига, ёш мутахассисга муваффақиятлар тилади. Шароф Рашидов ва Шавкат Мирзиёев каби кишиларни халқимизда "назаркарда" — Худонинг марҳаматига ва паноҳига сазовор бўлган инсон деб аташади. Бундай одамлар ва уларнинг сафдошларига ҳар доим бахт, соғ-саломатлик ва омад ёр бўлади.

Бу сўзларнинг ҳаётий исботини ҳар биримиз ҳаётда кўриб, билиб келмоқдамиз. Бугун янгиланаётган Ўзбекистонда эртамиз эгалари камолотига, айниқса, ёш иқтидорлар тарбиясига алоҳида аҳамият берилмоқда. Юртимизда мактабгача таълим тизими тубдан ислоҳ этилаётгани, бутунлай янги шакл ва мазмундаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларнинг очилаётгани, замон андозаларига мос олий ўқув юртларининг ташкил қилинаётгани бу борада муҳим ўрин тутмоқда.

Бинобарин, китоб муаллифи Оқил Салимов "Истеъдодлар — давлат қудрати, миллат шон-шуҳрати" сарлавҳали мақоласида қайд этганидек, инсониятнинг бир неча минг йиллик тараққиёт йўлига назар солсак, бир тарихий ҳақиқат кўзга яққол ташланади. Қайси даврда ижтимоий адолат ўрнатилган, фан, техника, санъат ва маданият тараққиётига кенг йўл очилган, унинг равнақи учун етарли шароит яратилган бўлса, ўша даврларда мисли кўрилмаган цивилизациявий ҳодисалар юзага келган. Ижтимоий ҳаёт барқарорлашиб, одамлар турмуш даражаси юксак ривожланган. Фан ва маданият миллатнинг рамзи сифатида унинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини, обрў-эътиборини белгилаган. Истеъдодлар эса ана шундай Ренессанс ҳодисасини юзага чиқарувчи, миллат ва жамият тараққиётини ҳаракатга келтирувчи куч сифатида ўзларини намоён этишган.

Шавкат Мирзиёев лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида ёшларга алоҳида мурожаат қилгани шу маънода катта моҳият касб этади.

Бугун биз соҳибқирон Амир Темурнинг бутун туркий олам довруғини ёйган улкан ютуқлари билан фахрланаётганимиздек, миллатнинг аввалги буюклигини тиклаётган, бутун Марказий Осиё минтақасини бирлаштираётган Президент Шавкат Мирзиёевнинг феномени, ватанпарварлиги, донолиги ва халқпарварлиги, сиёсий фаолиятига келгуси авлодлар ҳам таҳсин ўқишади.

Муҳими, жадал ўзгаришлар, ислоҳотларнинг қайноқ нафаси замондошлар томонидан китобларга муҳрланмоқда. Шу жиҳатдан академик Оқил Салимовнинг "Янги Ўзбекистон давлати" асари кенг китобхонлар оммасининг меҳрини қозонишига ишончимиз комил.

**Носир ТОИРОВ,**
**Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.**

# МАҲАЛЛА

# БАРЧА ИСЛОҲОТЛАРИМИЗДА МАРКАЗИЙ ВА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БЎҒИНГА АЙЛАНАДИ

←1 Кейинги йилларда маҳалла институтининг жамиятда мавқеи ва ролини ошириш мақсадида бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Қолаверса, давлатимиз раҳбари иштирокида ўтказиладиган аксарият йиғилишларда маҳалла институти фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳақида тўхталиб, бу борада ўз таклиф ва тавсияларини беради.

Шу йилнинг 14 июль куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида ҳам айнан ушбу ноёб тузилма ҳақида тўхталгани фикримиз тасдиғидир.

Жумладан, давлатимиз раҳбари ушбу нутқида **"Биз учун Ватан рамзи бўлган маҳалла тизимини барча ислоҳотларимизда марказий ва ҳал қилувчи бўғинга айлантирамиз"** дея таъкидлаб, маҳалла фаолларини янада руҳлантирди, десак, муболаға бўлмайди.



Бу ҳали ҳаммаси эмас. Яқинда, аниқроғи, шу йил 21 июль куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрининг Сергели ва Олмазор туманларига ташриф буюриб, саноат корхоналари фаолияти билан бирга, маҳалла ҳаётини кўздан кечирди.

Ана шундай манзиллардан бири — Олмазор туманидаги Хастимом маҳалласи бўлди. Давлатимиз раҳбари ушбу маҳаллани, у ерда жойлашган хонадонлардаги шароитларни кириб кўрди. Аҳоли билан самимий суҳбатлашди.

Мамлакатимиз раҳбари ташрифидан сўнг ушбу маҳаллага бориб, аҳолининг кайфияти ва таассуротлари билан қизиқдик.

Бугунги кунда 6 100 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган Хастимом маҳалласида хайрли ишларнинг қамрови кенг. Маҳалла раиси ва фаолларининг саъй-ҳаракатлари билан мавжуд имкониятдан унумли фойдаланган ҳолда кўчалар, хонадонлар обод қилингани буни яққол кўрсатиб турибди. Замонавий маҳалла биносида яратилган қулайликлар ва бир бинода маҳалла раиси ва фаоллари билан бирга, ҳоким ёрдамчиси, профилактика нозири, ёшлар етакчиси ҳам жойлашгани кўплаб хайрли амалларга замин яратмоқда.

— Очиғи, Президентимизнинг бизнинг маҳалламизга ташрифидан жуда хурсанд бўлдик, — дейди Олмазор туманидаги "Хастимом" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Саноат Яҳёева. — Ўзим мана шу маҳаллада узоқ йиллардан бери турли вазифаларда жамоатчилик асосида, кейинчалик штат асосида ҳам ишладим. 2020 йилдан буён маҳалла раиси лавозимида фаолият кўрсатяпман. Маҳалламиздаги 440 та хонадонда 1 573 та оила аҳил-иноқ яшаб келмоқда.

Маҳалламиз аҳолисининг кўпчилиги ҳунармандчилик ва савдо билан шуғулланади. Мебель жиҳозлари ишлаб чиқарадиган, дурадгорлар, ўймакор, бешик ясайдиган усталаримиз ўз фаолиятлари билан нафақат оилаларига даромад киритмоқда, балки "Устоз — шогирд" анъанаси асосида ёшларга ҳунармандчилик сир-асрорларини ўргатишяпти.

Дарҳақиқат, меҳнатидан манфаатдор, ўз ишидан завқ оладиган инсон ўз ҳаёти мазмунини англаб, уни янада бойитиб боради. Маҳалла раиси С. Яҳёеванинг айтишича, бугунги кунда Хастимом маҳалласида аҳоли бандлигини таъминлашга асосий вазифа сифатида қаралади. Бунинг натижасида аввалги ҳолат бўйича 64 та ишсизнинг бугунги кунга қадар 41 нафари иш билан таъминланган. Қолган 23 нафарини ишга жойлаштириш чоралари кўриляпти.

Айни пайтда маҳаллада истиқомат қилувчи Мадина Умарова, Сурайё Тошпўлатова, Маҳбуба Абдураҳмонова сингари хотин-қизлар субсидия асосида берилган тикув машиналаридан унумли фойдаланиб, кийим-кечак, кўрпа-тўшак тикиш-бичиш ишлари билан шуғулланаётир. Натижада уларнинг ҳар бири 4-5 нафар йигит-қизнинг бандлигини таъминлашга ҳисса қўшмоқда.

Сир эмаски, сўнгги пайтларда мамлакатимизнинг барча ҳудудида "Обод маҳалла", "Обод қишлоқ" дастурлари кенг амалга оширилаётир. Ушбу дастурлар доирасида йўллар, муҳандислик тармоқлари таъмирланиб, хонадонларга файз кирмоқда. Бу жараёнлардан Хастимом маҳалласи ҳам четда қолмади. Амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларидан хастимомликлар ҳам ғоятда мамнун.

— Бугунги кунда маҳалламизда 23 та кўча мавжуд, — дейди маҳалла фаоли, кўчабоши Абдумавлон Мирзааҳмедов. — Умумий кўчаларнинг қарийб 90 фоизи тўлиқ асфальт қилинди, қолган 10 фоизида ҳам ишлар босқичма-босқич давом эттирилади. Қолаверса, кўчаларимиздаги эски симёғочлар янги, замонавийларига алмаштирилди. Бу эса кечалари ҳам фарзандларимиз ва невараларимиз билан бемалол сайр қилиш имконини бермоқда. Умуман, бугунги маҳалламиз кечаги маҳалла эмас, кундан-кун чирой очиб бормоқда.

Сизга яна бир хурсандчилигимни айтмасам бўлмайди, яқинда 21 июль куни Президентимиз билан учрашиб, дилдан суҳбат қуриш бахтига муяссар бўлдим. Бундан ҳалиям қувончимни босолганим йўқ. Давлатимиз раҳбари биздан ҳол-аҳвол сўраб, яшаш шароитимиз билан қизиқди. Маҳаллаларга, хонадонларга кириб, оддий аҳоли билан учрашишга вақт топиб, халқимиз фикри билан қизиқаётган, муаммолар бўлса, уларни бартараф этаётган Президентимизга мингдан-минг раҳмат. Биз, нуронийлар Юртбошимизга маҳалламиз турмуш тарзи, ёшларнинг касб-кори ҳақида сўзлаб бердик. Юртимизга тинчлик-осойишталик, хонадонларга файзу барака тилаб дуо қилдик.




Президентимиз биз билан суҳбатда "Ҳар бир инсонга муносиб шароит яратиш мақсадимиз ва бурчимиз" деб таъкидлади. Бу фикрлари ҳам юртимизда инсон қадрини юксалтиришга қаратилган оқилона сиёсатининг бир ифодасидир.

...Хастимом маҳалласи, 51-уй. Бу манзил — Элдўст Абдуллабоев турмуш ўртоғи Дилбар опа билан, 4 фарзанд ва 7 невара қуршовида умргузаронлик қилаётган бахтли хонадонлардан бири. Бахтли деганимизнинг сабабларидан бири шундаки, 21 июль куни ушбу хонадонга Президентимиз ташриф буюриб, Элдўст ака, турмуш ўртоғи, фарзандлари билан самимий суҳбатлашди.

— Бизнинг уйимизга Президент келишини, очиғи, кутмагандик, аммо шуни чин қалбимиздан орзу қилардик, — дейди Дилбар Абдуллабоева. — Биласизми, оммавий ахборот воситалари орқали давлатимиз раҳбарининг хонадонларга кутилмаганда кириб боришларини кўп кузатардим. Шунда мен ҳам ич-ичимдан Президентимиз бизнинг уйимизга ҳам қачондир кириб келармикан, деб ширин хаёлларга чўмардим. Шуни ният қилардим. "Яхши ният — ярим давлат" деганларидек, мана шу кунлар бизга ҳам насиб этди. Давлатимиз раҳбари билан жуда самимий суҳбатлашдик, оиламиз, меҳнат фаолиятимиз, орзу-мақсадларимизни гапириб бердик. Ишонасизми, бу бир тушдек эди мен учун. Умуман, ўша кунги таассуротларим бир дунё. Биз учун янада қадрлиси, ушбу тарихий воқеаларни эслаб юришимиз учун Президентимиз билан суратга ҳам тушдик...

Эътиборимизни тортгани, чиндан ҳам ушбу хонадонга кириб, ўзгача файзни ҳис этдик: беданаларнинг сайраши, тўти қушларнинг чуғур-чуғури, ҳовлидаги жажжи болажонларнинг шодон ўйин-кулгилари беихтиёр юртимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлигининг яна бир жозиб тасдиғи, десак, айни ҳақиқат. Зеро, оилалар тинч бўлган жойда, маҳалла ҳам, жамият ҳам, Ватан ҳам обод бўлади.

...Ушбу маҳалладан қайтарканмиз, бу ердаги ободлик, маҳалла аҳлининг ҳамжиҳат ва тотувлигидан, кўтаринки кайфиятидан қалбимиз қувончга тўлди. Маҳалладаги ободлик одамларнинг ҳаётга муносабатини, дунёқарашини юксалтириб, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаётганида ўзининг яққол ифодасини топаётгани эса юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар юксак самаралар бераётганининг намоёнидир.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Юнус БЎРИЕВ олган суратлар.

Реклама

**«Maxam-Chirchiq» акциядорлик жамияти ваколатли омборлар ташкил этиш бўйича танлов эълон қилади.**

Республикамизнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Наманган, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар ва тадбиркорларга минерал ўғитлар етказиб берилишида енгилликлар яратиш мақсадида «Maxam-Chirchiq» акциядорлик жамияти томонидан минерал ўғитларни вақтинчалик сақлаш учун ваколатли омборлар очишга танлов эълон қилинади.

Танловда иштирок этишни истаган талабгорлар таклифларни муҳрланган ёпиқ конвертда 2023 йилнинг 31 август куни соат 18.00 га қадар корхона девонхонасига тақдим этишлари мумкин.

Ваколатли омбор танловида қатнашиш учун зарур ҳужжатлар ва қўйиладиган талаблар ҳақидаги тўлиқ маълумотлар корхонанинг веб-сайтида жойлаштирилган (www.maxam-chirchiq.uz).

**Маълумот олиш учун манзил: Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Тошкент кўчаси, 2-уй.**
**Телефон: (+ 99870) 719-33-23.**
**E-mail: birga@maxam-chirchiq.uz**

# ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТ

*Одамзоднинг табиати қизиқ. У баъзан кўз илғамас олислардан бахт, умид ва нажот излайди. Аммо бунга эришиш ўз қўлида эканлиги ҳамиша ҳам хаёлига келавермайди. Донишманд ота-боболаримиз таъбири билан айтганда, ҳеч ким четдан келиб бизга тўлақонли бахт туйғусини ҳадя этолмайди. Бунинг учун, аввало, ўзимиз астойдил интилишимиз, ҳаракатда бўлишимиз ва шунга монанд равишда меҳнат қилишимиз керак.*

*Хўш, инсон қачон ўзини тўлиқ бахтга эришган ҳисоблайди? Биринчи навбатда, юрти тинч ва фаровон бўлиб, дориламон кунлар шукуҳидан баҳраманд яшаса, оиласи ва фарзандлари тақдири, келажагидан хотиржам бўлса, албатта. Мамлакатимизда кейинги йилларда “Инсон қадри учун” тамойили асосида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ана шу каби ҳаётий мезонларга асосланган билан аҳамиятлидир.*

*Қуйида юртимизнинг турли ҳудудларида умргузаронлик қилиб, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар самарасини бевосита ўз ҳаёти ҳамда оиласи мисолида кўраётган ҳамюртларимизнинг фикр-мулоҳазалари эътиборингизга ҳавола этилади.*



## БУГУНГИ ДАВР ҲАРАКАТ ҚИЛГАННИКИ!

**Қўчқор КЎЧИМОВ (Қамаши тумани):**

— Асл касбим ўқитувчилик. 1970 йили Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини тамомлаб, бир муддат туман газетасида адабий ходим, яна бир неча йил эса маҳалла раиси бўлиб ишладим. Аммо фаолиятимнинг асосий қисми мактабда кечди. Кўп йиллар давомида ўқувчиларга ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс бердим. Мактаб директори бўлиб ишладим. 2009 йилдан пенсиядаман.

Бизнинг Оқработ қишлоғи одамлари ўзларининг деҳқончилик ва боғдорчиликда эришган ютуқлари билан машҳур. Бир парча томорқадан ҳам миллионлаб даромад топаётган оилалар кўп. Узумчиликда эришаётган ютуқларимиз эса алоҳида бир мавзу. “Оқработ узуми” деган ном бугун маҳаллий бозорда брендга айланиб улгурди.

Томорқамизда, кичик бўлса-да, узумзор барпо этиб, узумчилик билан шуғулланиб келаётган эдим. Нафақага чиққач, бу ишни янада кенгайтириб, тадбиркорлик фаолиятига айлантириш режаси туғилди. Шу боис уйимиз ёнидаги фойдаланилмай ётган бўш ерларни ўзлаштириб, 80 сотих майдонда узумзор барпо этдик. Айни пайтда бу ерда “Ҳусайни”, “Ризамат ота”, “Қора кишмиш” сингари бир неча навлар парваришланмоқда. Ҳар бир тупдан йилига ўртача 30 килограммдан ҳосил олганимизда ҳам салкам 20 тонна узум бўлади. Бу — йилига ўртача 200 миллион сўм даромад, дегани.

Кейинги йилларда томорқа маданиятини ошириш, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор, шарт-шароитларни кўриб, шижоатим жўш ураётир. Хусусан, икки йил аввал боғ ёнида 15 сотих майдонда иссиқхона қурган эдик. Ҳозир бу ерда помидор ҳамда булғор қалампири етиштириб, бундан ҳам яхши даромад оляпмиз.

Меҳнатларим ортидан етти нафар фарзандимизни уйли-жойли қилиб, элга қўшдик. Ҳаммаси ҳаётда ўз йўлига, касбкорига эга. Қолаверса, меҳнатим ортидан элда обрў-эътибор топдим. 2019 йили “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирландим.

## ВАТАННИ АНГЛАШ БОЛАЛИКДАН БОШЛАНАДИ

**Занжилой АБДУСАЛОМОВА, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси:**



— Сирдарё туманининг энг чекка қишлоғида яшаймиз. Ҳар тонг қуёшдан олдин уйғониб, бобом билан далага борар эдик. Йўл-йўлакай бобом билан суҳбатлардан бирида “Бобо, Ватан нима?” дея савол берганим ҳамон эсимда. Бобом “Ватан, аввало, сен туғилган жой, киндик қонинг тўкилган макон, она қишлоғинг. Биласанми, сен она юртингга қанчалик меҳр-муҳаббат қўйсанг, Ватан ҳам сени шунчалик қадрлайди”, деб айтганди.

Ҳа, бобом ҳақ экан. Ватанимиз ҳар бир фарзандини қадрлашини ўзимнинг ҳаётимда ҳам кўряпман. Хусусан, сўнгги йилларда ёшлар учун яратилган имкониятлар туфайли чекка бир қишлоқда яшайдиган мендек қиз давлат гранти асосида талаба бўлдим. Танлаган касбим — журналистлик учун зарур бўлган бир неча тилларни ўргандим.

Бундан олти йил аввал, яъни 2017 йили 6-синфда ўқир эдим. Мактабимизга шаҳардан инглиз тили ўқитувчиси келди. Бундан ҳамма ўқувчилар қувонди. Чунки мактабимизда инглиз тили ўқитувчиси йўқ эди. Қолаверса, энди юқори синф ўқувчиларининг олий ўқув юртига киришга инглиз тилидан тайёргарлик кўриши учун узоқ шаҳарга қатнашига ҳам ҳожат қолмади. Чет тили ўқитувчимизнинг мукаммал дарслари туфайли ўқувчилар бу борада чуқур билимга эга бўла бошлади.

Шунингдек, бошқа фанларни ўқитиш, таълим сифатини оширишга хизмат қиладиган кўплаб шароитлар яратилди. Натижада мактабимиз ўқувчиларининг олий ўқув юртига кириш кўрсаткичи ҳам кескин кўтарилди. Буни биргина синфимиздаги ўқувчиларнинг 80 фоизи олий ўқув юрти талабаси бўлганидан ҳам билсак бўлади.

Мен янги Ўзбекистоннинг бахтли фарзандларидан бириман!

## ИШ ИЗЛОВЧИ ЭМАС, ИШ БЕРУВЧИ БЎЛИШИМИЗ КЕРАК

**Бекзодбек ҲАМРОҚУЛОВ, “Sakura-Andijon” нодавлат таълим муассасаси ва “Reiwa” хусусий бандлик агентлиги раҳбари:**



— Япония халқаро университетида таҳсил олиб, Андижонга қайтганимда кўпчилик: “Энди нима иш қиласан?” деб савол беришган. “Ҳеч бўлмаганда таржимонлик қиларман” десам, яна ҳайратланишган: “Андижон сайёҳлик маркази эмас-ку, қанақасига таржимонлик қиласан?”

Биласиз, юртимизда ёшларга бўлган эътибор ниҳоятда юксак. Бундан унумли фойдаланган ҳолда Андижон шаҳрида “Sakura-Andijon” номли нодавлат таълим муассасасини ташкил этдик. Бу ерда ҳамюртларимиз япон, корейс, рус ва инглиз тилларини ўрганади.

Шу билан бирга, “Reiwa” хусусий бандлик агентлиги очиб, Японияда ишлашни хоҳлаган юртдошларимиз бандлигини таъминлашга кўмаклашиб келмоқдамиз. Айни пайтда 30 дан ортиқ хорижий ҳамкорларимиз бор. Ўтган қисқа даврда мамлакатимиз бўйлаб юзлаб йигит-қизларнинг Японияда қурилиш ва от спорти йўналишларида фаолият олиб боришига ҳисса қўшдик.

Бугун юртимизга хорижлик ишбилармонларнинг қизиқиши баланд. Вилоятимизга ҳам кўплаб хорижий давлатлар, жумладан, Япониядан ҳамкорларнинг ташриф буюриши таржимонларга бўлган эҳтиёжни янада оширмоқда. Бу ўқув муассасамизда таҳсил олган йигит-қизлар учун имконият эшикларини очяпти.



## МЕН ҲАМ ЭНДИ МЎЙНОҚ ФАРЗАНДИМАН

**Дилшод МУСАЕВ, Мўйноқ тумани тиббиёт бирлашмаси шифокори:**

— Асли Хоразм вилоятининг Янгиариқ туманига қарашли Қармиш қишлоғида туғилганман. 2015 йили Самарқанд давлат тиббиёт институтининг жарроҳлик амалиётлари бўйича клиник ординатурасини тамомлагач, қарийб 8 йил Янгиариқда шифокор бўлиб ишладим.

Президентимизнинг ўтган йил 18 март куни соҳа вакиллари билан “Тиббиётдаги ислоҳотлар — инсон қадри учун” мавзуидаги очиқ мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида олис ҳудудда аҳолининг саломатлигини яхшилашга ҳисса қўшишни ният қилдим.

Шу тариқа оила аъзоларимиз билан маслаҳатлашиб, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли буйруғи асосида Мўйноқ тумани тиббиёт бирлашмасига ишга келдим. Тўғриси, марказдан олисдаги бу ҳудудга келишдан олдин бироз ҳадик бор эди. Чунки Мўйноқ деганда хаёлимда қумлик, саҳродаги қийин шароитда яшаётган одамлар гавдаланганди ҳам рост. Лекин бу ерга келиб, фикрим янглиш эканини англадим. Мўйноқ бугун бутунлай янги қиёфа касб этган, замонавий дам олиш, маданият, спорт ва бошқа муассасалар аҳоли хизматида. Туман тиббиёт бирлашмаси ҳам энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Айниқса, Мўйноқнинг соддадил, беғубор ва танти халқи кўнглимдан жой олди. Қорақалпоқлар билан оғаинилардек бўлиб кетдик.

Бугун халқимиз орасида Мўйноқдаги имкониятлар кўп эътироф қилинаётгани бежиз эмас. Мўйноққа айнан шифокорларнинг жалб этилиши эса ҳудуд аҳолисининг саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Пировардида халқнинг розилиги, эртанги кунга ишончи ортмоқда.

## ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ — ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

**Раҳматилла НАЖМИДДИНОВ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Наманган туманидаги Халқ қабулхонаси мутахассиси:**



— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бундан олти йил аввал аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг мутлақо янги тизими сифатида фаолияти йўлга қўйилган идорамизга одамлар кўпроқ қайси масалалар билан кириб келишади? Мурожаатлар таҳлил қилинганда, асосан, уларнинг бандлик ва коммунал соҳа, хусусан, электр, газ, ичимлик суви таъминоти, тураржой соҳасидаги муаммолар ечимида ёрдамга муҳтож эканлиги кўзга ташланади. Амалдаги тартибга кўра, қабулга келган ҳар бир фуқаронинг аризаси мазмунидан келиб чиқиб, лозим бўлса, мансуб ташкилотнинг вакили иштирокида жойида ҳал қилинади, вақт талаб этадиганлари эса тегишли давлат муассасаси ёки хизмат кўрсатувчи субъектларга чиқарилади.

Бундан ташқари, тумандаги тўртта сектор раҳбарининг сайёр қабуллари изчил йўлга қўйилганки, айни жараён фуқароларга мутасаддилар билан юзма-юз бўлиш имконини тақдим этаётир. Шунингдек, идорамиз томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда маҳаллаларда хонадонма-хонадон юриб, аҳоли муаммоларини ўрганиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам уларни тезда бартараф этишда қўл келмоқда.

Шу тариқа Халқ қабулхонаси одамлар дардига дармон бўладиган масканга айланиб улгурди. Буни биргина жорий йилнинг ўтган даври натижаларида ҳам кўриш мумкин. Олти ой давомида Ўзбекистон Республикаси Президентига виртуал ва Халқ қабулхонаси орқали Наманган тумани аҳолисидан 1897 та мурожаат келиб тушган. Мурожаатларнинг 1410 таси тўла қаноатлантирилди, қолганларига тушунтириш берилди. Демак, шунча тумандошимизнинг ташвишини аритишга елка тутдик. Уларнинг ҳар бирида давлатдан розилик туйғуси шаклланди.

## УЧ НАФАР ФАРЗАНДИМ ХОРИЖДА ТАЪЛИМ ОЛЯПТИ

**Наргиза ЖЎРАЕВА (Самарқанд вилояти):**



— Икки ўғил ва икки қизим бор. Қизларим турмушга чиқиб, ўзидан тинчиган. Ўғилларнинг тўнғичини яқинда уйлантирдик.

Мамлакатимизда ёшларга яратилган шароитларни кўриб, ҳавасим келади. Бугун улар ўқиса, интилса, астойдил ҳаракат қилса, қисқача айтганда, қўлини қаёққа узатса етади.

Бизнинг ёшлик давримизда бундай имкониятлар ҳақида тасаввур ҳам қилолмаганмиз. Шароит ва имкониятимиз бўлмагани боис турмуш ўртоғим ҳам, мен ҳам олий маълумот ололмадик. Аммо ўшанда фарзандларимизни албатта ўқитамиз, деб ният қилган эдик.

Қарангки, бугун орзуларимиз амалга ошди. Кичик қизим оиласи билан етти йилдан буён АҚШда яшайди. Ўғилларимнинг иккаласи ҳам Жанубий Кореяда таълим олишяпти.

Олти нафар набирам бор. Бугун мендан бахтли инсон йўқ. Фақат болаларимни соғинаман. Шукрки, бугунги даврдаги ривожланган алоқа воситалари бу соғинчни ҳам қисман бўлса-да қондиряпти. Телефон орқали хориждаги фарзандларим билан ҳар куни гаплашиб турибмиз.

Келажакда фарзандларим юртимиз равнақига ҳисса қўшадиган малакали мутахассислар бўлиб қайтишини ўйлаб, кўнглим ўсади. Юксак тафаккур ва кенг дунёқарашга эга бундай ёшлар тимсолида жонажон Ўзбекистонимизнинг ёрқин келажагини тасаввур этаман. Ишонаманки, янги авлод вакиллари мамлакатимиз довруғи тобора юксалиб боришига хизмат қилишдан асло чарчамайди.

## МАҚСАДИМ — БИЛДИРИЛГАН ЮКСАК ИШОНЧНИ ОҚЛАШ

**Радхо ХУДАЙБЕРГАНОВА, Ёшлар ишлари агентлиги Урганч тумани бўлими раҳбари:**



— Маҳалламизда ижтимоий аҳволи оғир бўлган оилаларни “темир дафтар”га киритиш орқали қўллаб-қувватлаш амалиёти жорий этилган пайтда бизнинг оиламиз ҳам шу рўйхатда турар эди. Иш фаолиятимни аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида ёрдамчи инспекторликдан бошладим. Президентимиз ташаббуси туфайли маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш бўйича етакчи лавозими жорий қилингач, менга ишонч билдирилиб, Урганч туманидаги Туркманлар маҳалласида шу вазифага тайинландим.

Янги лавозимнинг масъулиятини теран ҳис қилган ҳолда, маҳалла фаоллари билан маслаҳатлашиб иш олиб бордим. Биринчи навбатда, “ёшлар дафтари” рўйхатига киритилган йигит-қизларнинг бандлигини таъминлаш, уларга касб-ҳунар ўргатиш, тадбиркорликка йўналтиришга эътибор қаратдик. “Ёшларнинг бўш вақти — етакчининг иш вақти” тамойили асосида йигит-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида спорт мусобақалари, маданий-маърифий тадбирлар, “беш муҳим ташаббус” лойиҳаларини амалга оширдик.

Ўтган йили Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси томонидан ўтказилган “Энг яхши ёшлар етакчиси” танловида 1-ўринни олиб, Президент совғаси — “Жентра” енгил автомобили билан мукофотландим. Бу йил маҳалла тизими ходимлари куни муносабати билан Президентимиз Фармонига кўра, “Шуҳрат” медали билан тақдирландим.

Яқинда менга яна юксак ишонч билдирилди: Ёшлар ишлари агентлиги Урганч тумани бўлими раҳбари бўлдим. Давлатимиз раҳбари томонидан маҳаллабай ва ёшлар билан ишлаш бўйича пухта ўйлаб яратилган тизим “темир дафтар” рўйхатида турган эҳтиёжманд оиланинг оддий қизи шунчалик ютуқларга эришишига имкон берди. Бу ишонч ва эътибор зиммамга янада катта масъулият юклаб, ғайрат-шижоат билан ишлашга ундайди.

## ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

**Маъсуда ЯРҚУЛОВА, Кармана туманидаги “Teramisu” оилавий корхонаси раҳбари:**

— Оилавий корхонамизга 2016 йилда асос солинган. Шу йили Кармана тумани ҳокимлиги кўмаги билан 200 миллион сўм кредит олиб, хонадонимизда “Teramisu” оилавий корхонасини ташкил этдик. Хитой давлатидан 14 турдаги ускуналар олиб келиниб, 70 турдаги қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бугунги кунга келиб корхонада 32 та иш ўрни яратилган, уларнинг 17 нафарини маҳалламиздаги “аёллар дафтари”да турувчи хотин-қизлар ташкил этади. Маҳсулотларимизга талаб юқори. Яқинда яна “Ширин диёр” савдо комплексини бунёд этиб, беш нафар аёлни доимий иш билан таъминладик.

Ўтган етти йиллик фаолиятимиз, эришган ютуқларимиз юртимизда амалга оширилган ислоҳотлар, инсон қадри улуғланиши, тадбиркорларга кўрсатилаётган рағбат ва ғамхўрликлар самараси, деб ҳисоблайман. Биргина мисол, нақд ва электрон тўловдаги тафовут нафақат халқимиз, балки биз, тадбиркорлар учун тургандитгани ташвиш эди. Турли идораларнинг бўлар-бўлмас текширлари ҳам шукрки, ортда қолди.

Албатта, тадбиркорликни бошлаш ва уни оёққа қўйиш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун истакдан ташқари журъат ва изланиш ҳам бўлиши керак. Демоқчиманки, қўл қовуштириб ўтирадиган замонлар ўтди. Энди ҳар бир инсон ўз имкониятини, аввало, ўзини қадрлаши зарур.

Мендан кўпинча бахтлимисиз деб сўрашади. Албатта, шундай юртнинг фарзанди эканлигимизнинг ўзи — бахт. Мусаффо тонгларнинг нафасидан баҳраманд бўлаётганимиз, хотиржамликда тонг оттираётганимиз бахт эмасми? Мана шу бахтимизга ҳеч қачон кўз тегмасин!

**«Халқ сўзи».**



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 741. 13 499 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 90-371-64-04;*
*Эълонлар 90-999-77-65.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Б. Мадиёров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.18 Топширилди — 00.25 1 2 3 4 5 6